



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
INNOVATION  
RIVOJLANISH VAZIRLIGI

**BOSHLANG'ICH TA'LIMGA  
RAQAMLI TEXNOLOGIYALARINI  
TATBIQ ETISHNING ZAMONAVIY  
TENDENSIYALARI VA  
RIVOJLANISH OMILLARI  
XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMANI**

**MATERIALLARI**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАКТАБГАЧА ВА БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ ФАКУЛЬТЕТИ**

**БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ КАФЕДРАСИ**

**БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМГА РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТЬИҚ  
ЭТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ  
ОМИЛЛАРИ**

**ХАЛҚАРО МИҚЁСИДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**2021 йил, 1 -2 апрель**

**БУХОРО - 2021**

# БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ АХБОРОТ ВА КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ФАОЛИЯТИ

*Рустамова Гавҳар Баҳрон қизи- БухДУ таянч докторанти*

*Шойимқулова Мадина- БухДУ талабаси*

**Аннотация.** Уибу мақолада бошлангич синф ўқитувчисининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги компетенциясининг замонавий таърифи ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида замонавий бошлангич синф ўқитувчиларини тайёрлашнинг методик имкониятлари хусусида фикр юритилган.

**Калим сўзлар:** бошлангич синф ўқитувчи, бошлангич синф ўқувчилари, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги компетенция, компьютер саводхонлиги, ахборот маданияти.

**Аннотация.** В статье рассматривается современное определение компетенции учителей начальных классов в области информационно-коммуникационных технологий и методические возможности подготовки современных учителей начальных классов в области информационно-коммуникационных технологий.

**Ключевые слова:** учитель начальных классов, ученики начальных классов, компетенции в области информационно-коммуникационных технологий, компьютерная грамотность, информационная культура.

**Abstract.** This article discusses the modern definition of the competence of primary school teachers in the field of information and communication technologies and the methodological possibilities of training modern primary school teachers in the field of information and communication technologies.

**Keywords:** primary school teacher, primary school students, competence in the field of information and communication technologies, computer literacy, information culture.

Мактаб таълимини модернизация қилишнинг стратегик жиҳатларидан бири бошлангич таълимни ахборотлаштириш бўлиб, таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш учун бошлангич мактаб ўқувчилари билан дарсда ва дарсдан ташқари ишларда янги ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда таълим жараёнининг янги моделини ташкил этишни назарда тутади. Таълимни ахборотлаштириш касбий сифат ва мактаб ўқувчиларини тайёрлаш даражасига янги талаблар қўяди. Таълимни модернизация қилиш нуқтаи назаридан бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш сифатининг интеграл кўрсаткичи инсоннинг маълум бир вазиятда тўпланган билим ва тажрибани сафарбар қилиш қобилиятини тавсифловчи касбий малакани ҳисобга олиш керак.

Ўқитувчининг профессионал малакаси турли таркибий қисмларни, шу жумладан ахборот компетентлигини ўз ичига олади. Шубҳасиз, замонавий шароитда ўқитувчининг ахборот компетентлиги унинг профессионал педагогик ваколатларини белгилайди. Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларни ахборот компетентлигини ривожлантириш муаммоларни ҳал қилиш бошлангич мактаб ўкув жараёнида янги ахборот технологиялардан тўғри ва самарали фойдаланиш бўйича ўзига хос қобилияtlар билан боғлик.

Агар ўқитувчилар сифатли дастурий машғулотларни қидириш ва танлаб олиш, уларни муайян дидактик муаммоларни ҳал қилиш учун малакали қўллаш имконига эга бўлмаса, ўқитувчилар ўқув жараёнида ушбу технологиялардан фойдаланиш бўйича етарли даражада малакага эга бўлмаса, шубҳасиз, янги ахборот технологиялари бошлангич мактабда фойдасиз бўлади.

Бошланғич синф ўқитувчисининг замонавий таълим шароитида муваффақиятли ишлашга бўлган касбий тайёргарлигининг кўрсаткичларидан бири унинг ахборот компетентлиги ҳисобланади. Ахборот компетентлик ўқитувчининг касбий – педагогик фаолиятида самарали қарорлар қабул қилиш имконини берадиган қобилият ва билимларни ташкил этишининг маҳсус методи сифатида тушунилади. Шу билан бирга, таълим жараёнида ахборот ва интернет технологияларини ўзлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш даражасини кўрсатади.

Ўқитувчининг ахборот қобилиятини шакллантириш муаммоси билан боғлик вазифалар уч гурухга бўлинади:

- жамият манфаатларини ифода этувчи;
- ўқитувчининг касбий ва педагогик фаолиятининг функциялари ва мазмунини акс эттириш;
- ўқитувчининг шахсий касбий эҳтиёжлари ва манфаатларини ифодалаш.

Ахборот компетенция бошланғич умумий таълимнинг асосий тушунчаларидан бири ҳисобланиб, мустақил равишда изланиш, таҳлил қилиш, танлаш, қайта ишлаш, ва зарур маълумотларни узатиш жараёнларида фойдаланилади.

Замонавий дарсни ахборот – коммуникация технологияларисиз тассаввур этиш қийин. Улар диққатни визуал жалб қилиш, таълим сифатини ошириш ва ўрганиш истагини ошириш орқали ўкув маълумотларини янада қизиқарли қилишга ёрдам беради.

Тақдимот материалларидан фойдаланган дарслар юқори савияга ва фаолият турларини ўзгаришишнинг интенсивлигига эга бўлиб, ҳиссий, мазмунли, ўйин шаклида ўтади, натижада ўкув материалларининг ассимиляция сифатини оширишга ёрдам беради Дарсларда ақлий юкламанинг ошиши туфайли ўкувчиларнинг ўрганаётган мавзуга бўлган қизиқишини ва дарс давомида уларнинг фаолиятини қандай қўллаб-қувватлаш кераклиги ҳақида ўйлаш керак.

Дарсларни ишлаб чиқишдан олдин ҳар бир ўқитувчи қуйдагиларни амалга ошириши керак:

- услугбий адабиётларни ўрганиш;
- дарслар учун материални танлаш;
- йиғилган материални тақдимотлар шаклига келтириш.

Ўқитувчи дарсни қизиқарли ва рангбаранг қилиш имконини берадиган усулларни топиши керак, энг муҳими, ўқувчиларнинг ўрганилаётган мавзуга қизиқишини уйғотиши керак. Қабул қилиш жараёнини оптималлаштириш ва дарснинг кўргазмалилик таъсирини ошириш учун мультимедиа проекторини ишлатиш муҳим ҳисобланади. Тақдимотлар ўкув жараёнини жонлантириш ва ўқитишининг мотивациясини ошириш имконини беради. Ўқитувчи ўкувчиларнинг имкониятларини, мотивациясини, ёш ва психологик хусусиятларини фарқлаш учун зарур тайёргарликка эга бўлиши керак.

Тақдимот компьютер дастурлари ёрдамида ахборотни тақдим этишининг кулай ва самарали усули ҳисобланади. Бу динамикани, овозни ва тасвирини, яъни боланинг эътиборини энг узоқ вақт ушлаб турадиган омилларни бирлаштиради.

**Афзаликлари:**

- расмлар ва суратлар тақдимотни осонлаштиради;
- анимация ва видеофильмларни қўшиш орқали динамик жараёнларни намойиш қилиш мумкин;
- слайддаги сарлавҳалар ёрдамида материални тақдим этиш жараёнини кузатиб бориш мумкин;
- ўзаро алоқалар аниқланди;
- дарсда бошқа фаолият учун вақтни тежайди.

Мультимедиа тақдимоти ўқув материалларнинг тушунарлилиги, тезкорлиги, қулайлиги, тақдим этилган материални ҳис қилиш ва ёдлашни соддалаштирилганлилиги бўлиши учун хизмат қиласи. Синфда бундай дарслар давомида ўқувчилар мустақил равишда фикрларни ифода этишга интилаётган мулоқот муҳити яратилади, улар вазифаларни бажариш истаги билан ўрганилаётган материалларга қизиқиш кўрсатади. Жамиятнинг энг қизиқувчан билимга чанқоқ аъзолари бўлган болалар, барча янги маълумотларни қабул қилишга интиладилар.

"Болалар табиати кўргазмалиликни талаб қиласи" – деб ўз вақтида К.Д.Ушинский ҳам ёзган эди. Тақдимот дарсда келтирилган маълумотларни тўлдириши ва тасвирлаши керак. Дарсда компьютердан фойдаланиш ижобий натижалар бериши мақсадида, бошланғич мактаб учун белгиланган гигиена меъёрларига мувофиқ ўқув жараёни тўғри ташкил этилиши керак. Визуал жараён билан боғлиқ бўлган техник воситалардан фойдалангандан сўнг кўзнинг чарчашининг олдини олиш учун уларга дам бериш мақсадида комплекс машқларни бажариш керак.

Компьютер болаларнинг ижодкорлигини стимуллаштиради. Экран биз баъзан эриша олмайдиган эътиборни тортади. Тақдимотлар орқали билим фаолиятини бошқариш учун сарфланган меҳнат ҳар жиҳатдан ўзини оқлайди:

- билим сифатини оширади;
- болани умумий ривожлантиради;
- қийинчиликларни енгишга ёрдам беради;
- ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўқув жараёнида ҳамкорлиги учун қулай шартшароитлар яратади.

Мультимедиа тақдимотларидан фойдаланадиган дарсларнинг элементлари замонавий дарсни яратишнинг асосий тамойилларидан бири - жалб қилиш тамойилини яратади. Шунингдек болалар ўз фикрларини фаол равишда ифода этадилар, баҳслашадилар. Шундай қилиб ахборот компетентлиги ёрдамида бошланғич умумий таълимнинг асосий таълим дастурини ўзлаштиришнинг шахсий натижаларини шакллантириш имконияти яралади.

**Адабиётлар:**

1. Гаврилов М.А. Информатика и информационные технологии : Учебник для студентов ВУЗов . - М.: Гардарики, 2006 год 655 стр. 29-б.
2. Хамдамов Р. ва бошқалар. Таълимда ахборот, Тошкент - 2010.
3. Муксимова Х. В., Замонавий ахборот-коммуникацион технологиялари, Ўзбекистон миллий энциклопедияси жамиятни тараққий эттиришдаги имкониятлари. 59-б.

<b>Teshaboev A.YO.</b> Современные подходы к физическому развитию детей дошкольного возраста	<b>490</b>
<b>Cho'lliyeva G.T., Fayziyeva D.T.</b> Ot so`z turkumini o`rganishda o`quvchilarning so`z boyligini oshirish imkoniyatlari	<b>492</b>
<b>Акрамов А.Ш.</b> Новый подход изучения отношения к здоровому образу жизни	<b>494</b>
<b>Гафоров Ш.У.</b> Современные технологии формирования и развития здорового образа жизни личности	<b>498</b>
<b>Ubaydullayeva Sharofat.</b> Boshlang'ich sinf matematika darslarida o'quvchilarning tafakkurini rivojlantirish	<b>502</b>
<b>Saidova M.J., Aminjonova G.</b> Boshlang'ich sinf matematika darslarida axborot texnologiyalaridan foydalanishning didaktik tamoyillari	<b>504</b>
<b>Saidova M.J., Elova M.</b> Harakatga oid masalalarni axborot texnologiyalar asosida tushuntirish metodikasini takomillashtirish	<b>507</b>
<b>Jumaniyozova Muhabbat Xo'sinovna.</b> boshlang'ich ta'lim hikoya o'qish darslarida insoniy fazilatlarni singdirish	<b>512</b>
<b>Авезов С.С.</b> Навоий ижодида фольклор анъаналари	<b>514</b>
<b>Рустамова Гавҳар Баҳрон қизи, Шойимқулова Мадина.</b> Башлангич синф ўқитувчисининг ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасидаги компетенциявий фаолияти	<b>518</b>
<b>Hakimov F.N., Qosimova A.F.</b> Boshlang'ich sinflarda kreativ qobiliyatlarini shakllantirishning psixologik xususiyatlari	<b>521</b>
<b>Садуллаева М. Г., Кеитко Фаина.</b> Современные приемы обучения написанию сочинений в начальных классах	<b>524</b>
<b>Rustamova Gavhar Bahron qizi.</b> O'zbek xalq qo'shiqlarida mevali daraxtlarning obrazlantirilishi	<b>526</b>
<b>Адиба Баҳронова.</b> Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларини дарсдан ташқари тарбиявий фаолиятни амалга оширишга тайёрлаш йўллари	<b>528</b>
<b>Dilova Nargiza Gaybullaevna. Raxmatullayeva Nilufar Komiljonovna.</b> Sinfdan tashqari o'qishda pedagogik texnologiyalarni qo'llash mazmuni	<b>534</b>
<b>Xalikova Umida Mirovna.</b> Maktabgacha va boshlang'ich ta'lim integratsiyasida raqamlı texnologiyalarning o'rni	<b>538</b>
<b>Azimova U. L.</b> Boshlang'ich sinf matematika darslarida innovatsion usullar orqali o'quvchilarning og'zaki hisoblash ko'nikmalarini baholash yo'llari	<b>543</b>
<b>Raxmonova M. M.</b> Boshlang'ich sinf o'qish darslarida interfaol usullar bilan ishlashning nazariy asoslari	<b>548</b>
<b>Rustamova Sh.S.</b> Boshlang'ich sinf o'qituvchisining metodik-matematik tayyorgarligi ta'lim sifatining kafoloti	<b>550</b>
<b>Safarova N.K.</b> Boshlang'ich sinf o'quvchilarini o'qitishda vaqtidan unumli foydalanish ularda hayotiy kompetensiyalarni shakllantirish omili	<b>553</b>
<b>Choliyeva S.S.</b> Boshlang'ich sinf o'qish darslarida pedagogik texnologiyalardan foydalanish	<b>558</b>
<b>Qalandarova S.</b> Savod o'rgatish davrida interfaol metodlarni qo'llash orqali o'quvchilar faolligin ioshirish	<b>561</b>
<b>Shokirova S.Z.</b> Boshlang'ich sinf o'qish darslarida pedagogik texnologiyalardan foydalanish	<b>564</b>
<b>Shukurova L.S.</b> Boshlang'ich sinf matematika darslarida pedagogik texnalogiyalardan foydalanish	<b>566</b>
<b>Файзиева У.</b> Экологик тарбия маданиятини ривожлантириш ва шакллантириш муаммолари	<b>568</b>